

Умар ибн Абдулазиз даврида Ислом



14:57 / 24.09.2025 1013

Умар ибн Абдулазизнинг даврида Ислом аскарларига Қустантинияни қамал қилмасдан, у ердан орқага қайтиш буюрилди. Турк ва Рум юртларида қилинадиган фатҳ ишлари давом этди. Мусулмонлар Франциягача бўлган юртларни фатҳ қилиб бордилар. Баронис тоғларини кесиб ўтиб, Сибтамания ва Буруфонис вилоятларига кириб бордилар. Тулуза шаҳрини қамал қилдилар. Лекин улар Францияда катта зафар қозонмадилар.

Умар ибн Абдулазизнинг даврида урушлар озайди. Исломга даъват қилиш ишлари ҳикмат, мавъизаи ҳасана билан кенг равишда ривожланди. Жуда кўплаб одамлар Исломга кирдилар.

Умар ибн Абдулазизнинг халифалик муддати оз бўлганлиги сабабли аҳамиятга сазовор ички ҳодисалар бўлмаган. Ҳаттоки хаворижлар ҳам ўзларининг қўзғалончилик фаолиятларини тўхтатишган. Умар ибн Абдулазиз билан ҳамфикр бўлиб, кўпчилиги унга бўйсунган ҳам.

Аббосийлар даъватининг бошланиши

Рофизалардан бўлган кисойя фирқаси имомликни даъво қилиб чиқди. Уларнинг даъво қилишларича, имомлик Муҳаммад ибн Алий ибн Абу Толиб ибн Ҳанафийяга бўлиши керак эди. Сўнгра у кишидан кейин унинг ўғли Абу Ҳошим имом бўлиши керак, деган талабни илгари суришди. Абу Ҳошим эса умавийларни танқид қилар эди. У амакисининг ўғли Муҳаммад ибн

Алий ибн Абдуллоҳ ибн Аббосдан умавийлар ҳукмронлигини бекор қилишни ва одамларни Оли байтга чақиришни талаб қилди. Бу иш ҳижрий 100 (милодий 718) йилдан бошлаб йўлга қўйилди, яъни одамларни умавийларга эмас, аббосийларга итоат қилишга чақирув бошланди.

Умар ибн Абдулазизнинг вафоти

Умар ибн Абдулазиз ҳижрий 101 йил ражаб (милодий 720 йил январь) ойида вафот этди. У кишининг 2 йилу 5 ойгина давом этган халифалиги Ислом дини ва мусулмонлар учун катта неъмат ва яхшилик бўлди.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.